

ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
MILLIY TITQ PALATASI
INV. M

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА
BAZIRLIGINING MARKAZII MATBUOT
ORGANI

● 2000 йил, 1 июнь, пайшанба № 66 (1330).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 1 июня, 2000 г. № 66 (1330).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

Тожикистон Бош Вазирининг ташрифи

30 май куни Тожикистон Республикаси Бош вазир Оқил Оқиллов амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг пойтахтдаги қароргоҳида икки мамлакат Бош вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳвали ва истиқболлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Бош вазирлар иштирокида икки мамлакат ҳукуматлари делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари муттасил ривожланиб бораётганини

алоҳида таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга ортиб борапти. 1998 йилда бу кўрсаткич 138,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили 151,4 миллион долларга етди. Жорий йилнинг январь-март ойларидаги товар алмашув ҳажми эса 25,8 миллион долларга тенг бўлди. Савдо-сотиқда, асосан, минерал ўғитлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати маҳсулотлари ҳамда хизмат кўрсатиш етакчи ўрин тутмоқда.

Айни пайтда ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳ-

сулотларини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик техникаси, қурилиш материаллари, самолёт ва автомобилларни Тожикистонга кўпроқ етказиб бериш борасида ҳам муттасил мулоқотлар ўтказилмоқда.

Музокараларда чегаралар делимитацияси, божхона, гидроэнергетика, сув захираларидан фойдаланиш сингари кўплаб соҳаларга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди. Музокаралар якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

(ЎЗА).

БУГУН — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗДА ЕЗГИ УҚУВ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

— Ватан и м олдидаги йнгилик бурчимни ўтаётган и м га ҳам бир йилдан ошди, — дейди танк нишонга олувчи-опера т о р и тажрибали оддий аскар Нурали Нарзиев. — Бугун ишонч билан айта оламан-ки, 1 июнь куни бошланган езги уқув мавсумининг синов машгулларида ҳам юксак натижаларга эришиб, мамлакатимиз мудофаа салоҳияти ошишига муносиб ҳисса қўшамиз.

Д. ХАЛЛИЕВ
олган сурат.



СЛОВО — НОВОБРАНЦУ "ХОЧУ СТАТЬ ЛУЧШИМ ВОИНОМ"

В минувшее воскресенье в воинском коллективе, где служит офицер Фахриддин Махмудов, прошли торжества по случаю принятия новобранцами Военной присяги. Накануне этого события наш корреспондент побеседовал с одним из солдат нового пополнения — рядовым Алексеем Сергеевым.

Начальник сборов капитан Улугбек Джалилов не случайно выделил его среди сослуживцев — парень отличался не только хорошей физической подготовкой, но и высоким моральным настроением.

Знакомимся. Выяснилось, что до получения повестки из Яккасарайского РОДО столицы Алексей отучился на водителя в автошколе ОСО «Ватанпарвар», активно занимался спортом — является кандидатом в мастера спорта по гребле на байдарках.

— Не пытались попасть в спортивную роту? — не удержался от вопроса.

— А зачем? — вопросом на вопрос ответил парень. — Я не стремлюсь к карьере профессионала-спортсмена, занимаюсь греблей для здоровья, как и плаванием, борьбой, боксом.

Армия — настоящая школа закалки характера муж-

чины, я серьезно готовился к ней, даже мечтал стать лучшим воином. Много моих земляков попали в войска противовоздушной обороны, а я сам попросился в разведку. И сейчас не жалею об этом: здесь есть все условия для работы над собой.

Родители Алексея — строители, они вносят свой вклад в улучшение облика столицы. А младший брат Игорь учится в 7-м классе и очень гордится братом и мечтает во всем походить на него.

Принятие Военной присяги еще более вдохновило ташкентца, сегодня в рядового Алексея Сергеева начнется первый учебный день в летнем периоде обучения, и он настроен стать образцовым воином-разведчиком, надежным стражем независимого Узбекистана.

Капитан А. КАМАЛОВ,
кorr. «Ватанпарвара».

БОЛАЛАРГА ҒАМХҲҮРЛИК

«Меҳрибонлик» уйининг тарбияланувчилари Наманган вилояти Давлатобод туманида очилган «Туркистон» савдо-ишлаб чиқариш мажмуининг биринчи меҳмони бўлди. Мажмуа таркибдаги шином кафе-ошхона соҳибни Улугбек Усмонов болалар учун тўқин дастурхон тузади. Шунинг-

дек, уларга янги уст-бош ва оёқ кийимлари совға қилинди.

Савдо мажмуининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д. Гуломова, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Наманган ви-

лояти ҳокими Т. Жабборов иштирок этди. Улар савдо мажмуига йиғилган ўғил-қизларни яқинлашиб келгаётган Болаларни ҳимоя қилиш куни билан қизгин табриқлашди. «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларига рангли телевизор совға қилинди.

Н. ХУЖАЕВА,
ЎЗА мухбири.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Республика Бош вазирининг ўринбосари В. Отаев бошқарган мазкур йиғилишда мамлакатимиз автомобиль йўлларида 2000 йилнинг ўтган даври мобайнида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили ва уларнинг олдини олиш борасида олиб бо-

рилаётган ишларнинг аҳволи муҳокама этилди. Урмон хўжалиги Бош бошқармаси ва «Ўздавқурилишматериаллари» компанияси томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда транспорт воситаларининг техник ҳолатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Йиғилишда шунингдек,

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг шахсий транспорт воситаларининг сақлаш жойларини ташкил этиш борасидаги фаолияти ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид масала ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг шу ишга мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари тингланди. Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎЗА).

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИНИ КИМ ЯХШИ БИЛАДИ?

Самарқанддаги ўрта-маҳсуус ўқув юртлири талабалари ўртасида «Президент асарларини ўрганамиз» мавзуда кўрик-танлов ташкил этилган эди. Унинг якуний босқичида 1-педагогика билим юрти ва Абу Райҳон Беруний номидаги педагогика билим юрти талабалари ўзаро баҳслашдилар.

Талабалар Президент Исом Каримов асарларининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, маънавий қиммати, буюк истиқлол ва тараққиёт йўлида тутган ўрни ҳақидаги билим ва тушунчаларини намойиш этишди.

Ўзаро баҳс ва фикр алмашувлар жараёнида Абу Райҳон Беруний номидаги

педагогика билим юрти талабалари Президент асарларини кўпроқ ўргангани ва чуқурроқ англагани маълум бўлди. Кўрик-танлов якунланди. Президент асарларини ўрганаш эса давом этади.

У. РҲЗНЕВ,
ЎЗА мухбири.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Давлатимиз раҳбари ўзининг миллий ғояни шакллантириш, миллий мафкура-ни яратиш масалаларига бағишланган чиқишларида ижтимоий фанлар вакиллари фаоллиққа, мустақил мамлакатимиз ривожланишининг долзарб муаммоларини чуқур таҳлил этишга даъват этмоқда.

Республикамизнинг илмий-тадқиқот институтлари ва ўқув юртлирида меҳнат қилаётган кўплаб файласуфлар, жамиятшунослар, сўбсатшунослар, ҳуқуқшунослар ва бошқа фан соҳаларининг вакиллари Юртбошимизнинг даъватига жавобан муста-

қилликнинг ижтимоий долзарб муаммоларига диққатни қаратмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Н. Мушнов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида бўлиб ўтган «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ» фанларининг долзарб муаммолари» мавзудаги навбатдаги республика илмий-назарий конференциясида ҳам шу ҳақда гап борди.

Хусусан, академик Ҳ. Раҳмонқуловнинг «Миллий ғоя ва мўлк ҳуқуқи муаммолари», фалсафа фанлари доктори М. Холматовнинг «Соғлом авлод тарбия-

сининг ижтимоий-фалсафий муаммолари», ҳуқуқшунослик фанлари докторлари Ҳ. Бобоев, А. Саидовнинг «Миллий мафкура ва ўзбек давлатчилиги тарихи», «XXI аср қонунчилиги ҳақида» каби мавзулардаги маърузалари мазкур йўналишлардаги илмий изланишлар муаллифларининг даврга ҳам-нафас бўлишга интилаётганлигини кўрсатди.

Икки юзга яқин олим ва тадқиқотчи, докторант ва аспирантлар иштирокида қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтган анжуман, иштирокчиларнинг фикрича, жуда фойдалли ва энг муҳими, келгусидаги илмий изланишлар учун муайян замин яратди.

(ЎЗА).

«КООПЕРАТИВ БАННЕРС-2000» ЭЗГУЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

Норвегия. Кристиансанд шаҳри. Эвемоен ҳарбий базаси. 31 май 2000 йил. Норвегиянинг осмони гоҳ булутли, гоҳ қуёшли бўлишига қарамай, дунёнинг 16 та мамлакатидан келган тинчликпарвар кучларнинг ҳарбий машқлари қизгин давом этмоқда. Тўрт ярим мингдан ортиқ ҳарбийлар иштирок этаётган машқларга дунёнинг оловли нуқталари-

да ҳали-ҳануз тўхтамаётган қонли тўқнашувлар асос қилиб олинган. Худди мана шу ҳарбий базада бундан уч йил муқаддам ўтказилган «Кооператив Баннерс-97» деб номланган ҳарбий машқлар яхши самара берганди. Бу йилгиси янада кенгроқ кўламда ташкил қилинган.

Тинчликпарвар кучлар 50 дан ортиқ ҳарбий самолёт (Давоми 2-бетда).

ФИДОЙИЛИК БУРЧНИ АНГЛАШДАШ БОШЛАШАДИ

Бундан роппа-роса бир йил олдин Адхамни ўзгача бир ҳаяжон чулғаб олганди. Кўнглида бироз ҳадик ҳам йўқ эмасди. Ингилик бурчини эндиғиша ўташни бошлаган ёш аскар ёғи мавсумнинг дастлабки нунида ана шундай ҳис-туйғуларга берилганди. Албатта бунга тажрибасизлик, кўникма йўқлиги сабаб бўлган. Қолаверса, ҳар бир нарсанинг ибидоси киши олдиға муайян қийинчиликларни қўяди.

Мана ҳозир ҳам ёғи мавсум машғулотлари бошланапти. Адхамнинг кўнглиға ҳаяжон ва ҳадик солган дамлар. Бироқ энди орада муайян вақт, муайян масофа бор. Бу мезонлар барини жой-

жойға қўйди. Бутун оддий аскар Адхам Маъруфов мавсумни алдамчи ҳис-туйғулар билан эмас, қатъият билан, қатъият бўлганда ҳам ютуққа, муваффақиятга бўлган қомил бир ишонч билан қаршиламоқда. У мазкур мавсумда илгари босиб ўтган марраларидан янада юксакка ҳаракат қилмоғи лозим.

Ўтган мавсум машғулотларида механик ҳайдовчи оддий аскар Адхам Маъруфовга тажрибасизлик пайд берган дамлар ҳам бўлди. Масалан, у шартли душманининг миналаштирилган майдонидан жанговар машинада айланиб ўтиш машқини бажараётиб, хатоликка йўл қўйди. Еки бўлмаса иккин-

мой-сиёсий машғулотларда суст қатнашган пайтлари бўлди. Яхшиямки взвод командири — катта лейтенант Роҳат Аллонов унга ўз вақтида тўғри йўл-йўриқ кўрсатди. Устоз командирнинг кўрсатмаларидан, панд-насихатидан шу нарсани англадики, Ватанинг ҳақиқий посбони бўлиш учун бурча виждонан ёндашмоқ лозим экан. Муҳими, бу йўл-йўриқлардан кейин Адхамда янги-ча ғайрат, янги-ча шижоат пайдо бўлди. Хатолардан тўғри хулоса чиқара билди посбон йигит.

...Қишки мавсумнинг якуний синов машғулоти. Посбонлар полигонда. Гаринсон кўмондонлигидан ҳам кузатувчилар келишган. Механик ҳайдовчи оддий аскар

Адхам Маъруфов экипажидаги посбонлар билан берилган жанговар вазифани биринчи бўлиб бажариши лозим эди. Вазифа қундай равшан. Дастлаб тўсиқларни, сўнгра мина кўмилган майдонни айланиб ўтиш керак. Адхам яхши билдики, бу жанговар вазифанинг муваффақият билан адо этилиши асосан ўзига боғлиқ. Қолаверса, унга бу машқини биринчи бўлиб бажариш ишончи юклатилган. Агар хатога йўл қўйса, навбатдагиларга ҳам бу таъсирини ўтказиши мумкин. Шунинг учун йигит ишонч ва қатъият билан аниқ ҳаракат қилди. Масъулиятли вазифа аъло даражада адо этилди. Шунингдек, оддий аскар А. Маъруфов жисмоний, икти-

Мой-сиёсий ва бошқа машғулотлардан ҳам якуний синовни яхши ва аъло баҳоларга тоширди. Бутун куч-ғайратини мақсад сари йўналтира олди посбон.

Тошкент вилоятининг Бўка туманидан муддатли ҳарбий хизматга қақирилган бу йигит ўтган бир йиллик аскарлик ҳаёти давомида қўтилмаган жасорат ёки қаҳрамонлик кўрсатгани йўқ. Бироқ посбоннинг бурчи нимада эканлигини тўла англаб етди ва уни амалда кўрсата олди. Бошланаётган ёғи мавсум машғулотларида омад тилар эканми, аскарларга бир нарсани айтиб қўймоқчи эдик. Ватан йўлида қилинадиган ҳар бир фидойилик, жасорат аввало бурчини англаб етишдан бошланади.

Катта лейтенант А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТКАЗИЛДИ

Ёғи мавсум ўқув машғулотлари бошланиши олдида Нукус гарнизонида ҳам иккинчи-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларининг иккинчи йилиги бўлиб ўтди. Ингилиши Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кўмондони полковник В. Тошматов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг «Иккинчи ўқув мавсуми иккинчи-сиёсий тайёргарлик ишларининг якунлари ва унинг шажсий тартиб маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсирини кучайтириш, жанговар тайёргарлик вазифаларини сифатли бажаришда ҳамда

ҳарбий интизомни мустаҳкамлашдаги аҳамияти» мавзусида кўмондоннинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Т. Ҳамроқулов маъруза қилди.

Музокарада қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари капитанлар — Б. Оллоёров, Н. Мўминов, У. Юсуфов, катта лейтенантлар — Ф. Эгамбердиев, У. Дўсмагов, Р. Ёсбоганов ва лейтенант Т. Нишоновлар сўзга чиқди. Миллий хавфсизлик хизмати ходими П. Муйитдинов «Диний экстремизм ва терроризм», округ ҳарбий про-

кураторининг ўринбосари адлия майори Е. Утарбаев «Ҳарбий интизом ва уни мустаҳкамлаш» мавзуларида фикр юритдилар.

Албатта, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида биринчи ўринда миллий мафкурамиз туради. Шу масалалар бўйича ва иккинчи-сиёсий тайёргарликда миллий мафкурами аскарлар онгига сингдириш катта аҳамиятга эга эканлиги хусусида Қорақалпоқ Давлат университети доценти Ж. Сағиудинов маъруза қилди. Ингилишининг иккинчи кунини қисм командирининг

тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида капитан Б. Оллоёров хизмат қилаётган ҳарбий қисмда амалий машғулотлар ўтказилди. Ингилиши охирида иккинчи-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарлари тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича ўзаро фикр алмашдилар. Сўнгра ингилиш қатнашчилари Қорақалпоқiston Республикаси саноат ва ўлкашунослик музейи таърифи қилишди ва музей экспонатларидан қизиқарли таассурот олди.

Шартнома бўйича хизмат старшинаси О. АРЗИЕВ. Нукус гарнизони.

Хориждан хабарлар

ЛУСАКА. Ғарбий Африка мамлакатлари Сьерра-Леонега қўшимча ҳарбий куч юборди. Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамиятининг (ЭКОВАС) Нигерия пойтахтида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувида шундай қарор қабул қилинди.

МОСКВА. Россия президенти Владимир Путин ядро қуроли синовини ялпи таққиллаш тўғрисидаги шартноманинг ратификацияси ҳақидаги қонунга имзо чекди. Мазкур ҳужжат 21 апрель кунини Давлат думаси (парламентнинг қуйи палатаси) томонидан қабул қилинган ва 17 май кунини эса уни Федерация кенгаши (юқори палата) қўллаб-қувватлаган эди.

КИЕВ. Шу йилнинг биринчи чорагида Украинада ишсизлик ўтган йилғиға нисбатан 5,1 фоиз ошган. 1 апрелга қадар бўлган маълумотга кўра, ишсизлар сони 1229,4 миң кишини ташкил этган.

ВИНДХУК. Сьерра-Леоне ҳукумат қўшинлари Бирлашган виқилобий фронт исёнчиларидан ўттизгасини йўқ қилди. Маълумотларга кўра, айни пайтда жанг мамлакат пойтахтидан 80 километр узоқликда бермоқда. Бундан бир неча кун олдин у ерда БМТ кучлари сафида хизмат қилган аскарнинг жасади топилган эди.

ҚОҲИРА. Ироқ президенти Саддам Хусайн Югославияни АҚШ ва унинг иттифоқчиларига қарши ҳамкорликда курашга қақирди.

«Биз бир томонданиз, бир хил зугумни кўрапмиз. Душманмиз ҳам битта. Шундай экан, ҳамжихатликда душман ҳужумини қайтаришимиз зарур», деди С. Хусайн Сербия парламенти раиси Драган Томич билан учрашувда.

ШРИ-ЛАНКА. Айрмачиларнинг ўт очини вақтинчалик тўхтатиш ҳақидаги таклифи эълон қилинганга қарамай, Шри-Ланка ҳукумат қўшинлари Жафна яриморлида жангариларга қарши жангларни давом эттирмоқда.

Шри-Ланка мудофаа вазирлигидан маълум қилинишича, ҳукумат қўшинлари ўт очини вақтинча тўхтатиш ҳақидаги таклифдан беҳабар. (ЎЗА).

В ТАШКЕНТСКОМ ВОКУ. В НОГУ СО ВРЕМЕНЕМ


Сегодня, когда в Вооруженных Силах Республики Узбекистан идет интенсивный процесс обновления, коллектив ведущей кафедры Ташкентского ВОКУ — кафедры тактики делает все, чтобы идти в ногу со временем.

Здесь постоянно идет работа по усовершенствованию учебно-материальной базы: обновляются стенды, вступают в строй переоборудованные классы, создаются новые учебные точки на полигоне. Много сил и труда вкладывают в этот процесс подполковники Ш. Илличев и Ю. Волин, майор М. Адылов, капитан Д. Злобин, старший сержант Д. Наморный.

Одиннадцать дисциплин изучают курсанты на кафедре. Методические разработки и планы проведения занятий ежемесячно обсуждаются на заседаниях предметно-методических комиссий. Большую методическую помощь преподавателям в подготовке и проведении занятий оказывают такие опытные офицеры, как начальники кафедры подполковники А. Юсупов, заместитель начальника кафедры подполковник В. Стеблицкий, старший преподаватель подполковник С. Абдуванов.

Преподаватели кафедры внимательно изучают опыт ведения боевых действий на юге Киргизии, в Таджикистане, в Чечне и других «горячих точках» и, готовясь к полевым выходам и тактическим занятиям с курсантами, стремятся обучить их наиболее отвечающим современным условиям тактическим грамотным приемам ведения боя.

Коллектив кафедры стремится достойно продолжать слабые боевые традиции одного из старейших высших военных учебных заведений страны. Майор А. МАХАМБЕТОВ.



Воинские подразделения, где служит лейтенант Ильхом Тоджибаев, уверенно начинают летний период обучения. Качественно подготовившись, они с честью готовы выдержать первый экзамен — строевой смотр. На предварительном построении

представители высшего штаба отметили не только внешний вид воинов, но и их хорошую строевую выучку. В числе отличившихся были и повзрослевшие рядовые Н. Хасанов, И. Джалолов и А. Махмудов. Фото Д. ХАЛЛИЕВА.

ЭЗГУЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

(Давом. Боши 1-бетда).

ва вертолётлар, 25 та дегизчилар немаси, шунингдек, 16 та мамлакатдан келтирилган қурол-яроғ, жанговар техникалар ёрдамида уруш бўлаётган ҳудудларда қандай тадбирларни амалда қўллаш, низоларни, уруш оқибатларини бартараф этиш каби ўнлаб машқларда ўз амалий тажриба ва кўникмаларини ортиратдилар.

«Косператив Банверс-2000» деб номланган ҳарбий машқлар режага кўра 5 босқичда ўтказилапти. Ҳарбий машқларнинг биринчи ва иккинчи босқичларида қатнашувчи давлат ҳарбий хизматчилари батальон, рота ва бўлинмаларга бўлинди. Кўмондонлик томонидан ҳарбий ҳаракатлар режалари ишлаб чиқилиб, бўлинмалар ўндан ортиқ

ўқув жойлари билан таништирилди. Учунчи босқичда амалий машқларга киришилди. Узбекистон Қуролли Кучлари томонидан қатнашгаётган катта лейтенант Зокир Сайфутдинов кўл остидаги Чирчиқ тавничи муҳаддис кўмондонлик олий билим юртининг курсантлари тинчликни ўрнаттишга қаратилган халқаро ҳарбий машқларда тажриба ошириш билан бирга, ўз фикр-мулоҳазалари билан ҳарбий ҳаракатларга янгиликлар киритишмоқда.

Ўқув машқларининг иккинчи ҳафтасида ҳарбий дегизчиларнинг машқлари қизғин тус олади. Шу кунларда эса тоғ ва ўрмон шароитидаги ўқув жойларида жанг майдонидан ярадорларни олиб чиқиш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, гуманитар юкларни белгиланган ҳудудга беталафот етказиш, пат-

руль хизматини ташкил этиш каби машқлар ўтказилапти.

Бизнинг вакилларимиз турли русумдаги чет эл қуролларидан ўт очини машқида ўз маҳоратларини тўлалиғича намойиш қилдилар: нишонларни беҳато қулатдилар. Уларнинг жанговар тайёргарликларини хориж ҳарбий инструкторлари юқори баҳоламоқда.

Об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб, бир кунда бир неча марта жала қуйишига, биз учун одатий бўлмаган ўрмон шароитига курсантлар кўникиб қолишди. Дунёнинг турли нуқталаридан келган тинчликпарвар кучларнинг машқлари кутилганидек самара берапти. Чунки уларни эзгулик байроғи бирлаштириб турибди.

Лейтенант Ф. ЭРГАШЕВ. (Факс орқали).

БУГУН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

СИЗ БУЮКСИЗ

Сиз буюксиз, Гафлат билмас кўзларингиз кулгусила. Сиз буюксиз, Губор нимас ўйларингиз ёдусила. Ҳасад недир, хусумат не, Кўксингизга бегонадир. Сиз буюксиз, Болаликнинг энг боқира туйгусила.

Юзларингиз кулгучида, Эл бахтию иқболи бор. Лабларингиз кулгусида, Ширин ҳаёт тимсоли бор. Барнамол шу қадамларда, Олд давронлар пойдори бор.

Сиз буюксиз, Нелажанка қадамнингиз етгусила. Ҳақиқатни, ҳоқонлар ҳам Сиздан устун туролмағай. Ҳақиқатни, рибкорлик, Сизга юзин буролмағай.

Ҳақиқатни, чин онла Сизсиз даврон суролмағай, Сиз буюксиз, Умрларнинг сўймай давом этгусила. Сиз буюксиз, Эгуликнинг асрларга элтгусила. Зулфия ЮНУСОВА.

СКАЗОЧНАЯ СТРАНА

Первый день наступившего лета знаменуется одной из самых примечательных дат — Международным днем защиты детей. Накануне этого праздника фонд «Соглом авлод учун» совместно с представителями вом в Узбекистане всемирно известной компании «Кюва-кола» провел широкомасштабную благотворительную акцию — для тысячи детейшек было организовано посещение сказочной страны — Ташкентлида.

Подобное мероприятие проводится уже который год подряд, и каждый раз его участниками являются воспитанники детских домов, школ-интернатов, одними словом, те, кто в силу различных обстоятельств остался без самых близких людей и как никто другой нуждается в помощи, участии, в таких вот праздниках, память о которых они сохраняют потом долгие годы.

А в Ташкентлиде состоялся поистине грандиозный праздник. Дети, подавляющее большинство из которых впервые посетили этот «райский» уголок, озорствовали не только предоставленные в их распоряжение всевозможные аттракционы, но и приняли самое деятельное участие в большой развлекательной программе, подготовленной рядом творческих коллективов. Вдоволь насладились ребята и любимым напитком «Кюва-кола», лившимся в этот день рекой.

Эта акция стала еще одним ярким проявлением заботы государства о подрастающем поколении, о тех, кто спустя несколько лет своим трудом будет приумножать его славу. Н. ХАЛЛИЕВА, корр. «Ватанпарвар».

МЫСЛИ ВЗРОСЛЫХ

Без детей нельзя было бы так любить человечество. Ф. Достоевский.

Детская прелесть кроется в том, что с каждым ребенком все обновляется и мир заново предстает на суд человеческий. Г. Честертон.

Будьте сами и человеком и младенцем, для того, чтобы учить ребенка. В. Одоевский.

Пока сын мал, будь его воспитателем; когда он вырастет — братом. Арабская пословица.

Бизлар юртнинг ширин боласи

Катталардан аҳён-аҳёнда эшитиб қоламиз, бизнинг болалигимиз ундай ўтди, бундай ўтди деб. Нолигандай бўлади болалигидан улар. Аслида ҳам тўғри-да. Мустақилликкача болаларнинг болалиги хурсанд бўлар даражада ўтмаган-да. Аксарият болалар эрта баҳордан кеч кўзгача даладан ташқарига чиқибмаган. Шаҳарлик болалар ҳам уч-тўрт ойлаб этак тикишган бўйинга. Мустақиллик замони бошда замон. Ширин замон. Биз — болаларнинг кунларимиз жуда-жуда завқли ўтмоқда. Мактабларимиз замонавий мактабларга айланган. Мактабдаги шароити,

пиконияти кўрганда, бехтиёр катталарнинг ҳам бола бўлгани келиб кетади. Тугарақларнинг сон-саногини йўқ қизиққан соҳамиз билан шуғулланамиз, хоҳласак спорт билан. Шуниси кувончлики, бизга бевосита бобомиз—Юртбошимизнинг ўзлари катта гамхўрлик кўрсатмоқдалар. Менинг фарзандим, деб ардоқламоқдалар. Ники мингичи йил бекизга «Соглом авлод йили» деб аталмади. Ҳа, бизлар мустақил Ўзбекистоннинг ширин боласи. Нелажангимиз порлоқ.

Фазилат МАЪМУРОВА, ўқувчи.

МИТТИ РЕКОРДЧИЛАР

МИЛЛИАРДЕР ҚИЗ АФИНА

Етти ёшингизда бир думаланиб, миллионер, миллиардерга айлансангиз нима қиласиз? Музқаймоқ, шоноладларга роса тўярдим, нўн-кўп ўйинчоқлар олардим, демоқчисиз-да. Франциялик Афина исмли қизга айнан 7 ёшида ана шундай бахт кулиб боқди.

Қизалоқнинг сармоясини 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридан баҳоланган. Маълум бўлишча, бойлик бобосидан онасига, онасидан эса қизига мерос бўлиб қолган.

5 ЕШЛИ ПАРАШЮТЧИ

Бўлиши мумкин эмас, депсизми? Бир ҳисобдан тўғри. Негаки бу ёшда парашют билан сакраш у ёқда турсин, ариқда қалла ташлашни ҳам эпполмай-миз-да. Аммо австриялик

Тристан Хайцингер исмли беш яшар болакай буни элабди. Албатта, бунга қонун тўғридан-тўғри йўл қўймайди. Шунинг учун Тристан парашют билан сакраш машқини катта ёшдаги кишининг кўкрагига боғланган ҳолда бажарди. Қолаверса, болакайнинг онаси ҳам маҳоратли парашютчи.

РИЧАККА БУЙИ ЕТМАСА-ДА

Америкалик Тони Элденжин номи 9 ёшида рекордлар китобига битилди. У самолётни моҳирлик билан бошқаргани учун шунга эришди. Тонига осон бўлмади, албатта. Болакайнинг қўли ричакка етмагани боис ўриндиққа ёстиқча қўйинга мажбур бўлишди. Ун кунга мўлжалланган парвоз ўта мураккаб эди. Шунинг учун Тонининг ёшида йуриқчи кузатиб борди.

Дилноза ТИЛОВАВА, ўқувчи.

ҲИСОБДОНЛИК УНИНИ ЕШИНГИЗ НЕЧАДА?

Бу ўйин 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказишга мўлжалланган. Бунда ҳисобдонлик илмингиз яна бир бора синовдан ўтади. Хўш, тайёрмисиз? Унда бошлай қолайлик. Шерингизга кўрқмасдан ёши нечада эканини айтиб беришингизни билдиравринг. Бунинг учун унга ёшини 10 га кўпайтиришини айтинг. Сўнгра у ҳосил бўлган натижадан 36 ни айир-

синг. Ва натижани сизга айтиши керак. Сиз эса бу соннинг сўнгги рақамини олдингига қўшасиз. Қараб-сизки, болакайнинг ёши аниқ. Масалан, унинг ёши 5 да. Унга кўпайтирсан, 50 рақами ҳосил бўлади. Бундан 36 ни айирсан 14. 4 га 1 ни қўшсангиз 5. Демак, ўйинни бошладинг.

Аълохон ҲАСАНХУЖАЕВ, 7-синф ўқувчиси.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

ПУШАЙМОН ЕЙМАН

Шаҳзод хомуш бир алфозда кириб келди. Ийиқлигини кўзитишга баҳона излаб турганди, онасининг кўшини аёлга айтган гапини эшитиб қолди: «... бир пушаймон едим, бир пушаймон едим». — Мен ҳам ейман, — ер тепиниб, хархаша қила бошлади Шаҳзод.

МЕН ТОПАМАН

— Ҳозир ёз-ку, йамага

этик қиялсан? Бунинг устига кўча қуруқ. Сув, лой бўқ. — деди Шаҳзодга ойиси. Этикчасини бамайлихотир кийишда давом этар экан, Шаҳзод бунга жавобан деди: — Мен топаман, ойи.

БОЛГАЧА ҚОЛДИ

Она ўглидан сўради: — Шаҳзод, даданг келтирган ҳамма ўйинчоқларини сндириб бўлдингми? — Йўқ ойи, болгача қолди.

Нозима РЎЗНЕВА, 7-синф ўқувчиси.

ГОВОРЯТ ДЕТИ

Кристина, 3,5 года: — Мне скоро будет четыре года... Потом я стану мамой... А еще потом... бабулей.

— Мама, я в обморок упадаю? Мама не отреагировала. Ребенок продолжил: — ...и ты меня там не найдешь!

Катя, 3 года 2 мес.: Записал К. МИРНОВ.



Она билан бола — гул билан лола. Х. ЖУМАНАЗАРОВ сурат-лаҳзаси.

БУЮК БОБОЛАРИМИЗ

Шеърят мулкнинг султони буюк бобомиз Мир Алишер Навоий «Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш, бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгоч қуёш» дея бошланувчи шеъри билан машҳур шоир Лутфийнинг эътибори-

ни қозонганда роппа-роса 8 ёшда эди.

Машҳур саркарда, улуғ шоир бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур тахтага ўтирганида бор-йўғи ўн икки ёшда бўлган. Меҳринос БЕРДИЕВА, 4-синф ўқувчиси.

РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ ♦ 56-54-76 ♦ РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ

ВАТАНПАРВАР
Объявления и реклама для опубликования в газете "Ватанпарвар" принимаются в редакцию ежедневно с 9.00 до 16.00 (ком.27).
Адрес: ул. Кунаева, 21 (ориентир гостиница "Россия").

лев., в/маг., газ. пл., БК, стир. маш., «Киргизия» в раб. и нераб. сост. Т.: 75-59-73.

♦ «Комету-225», ВМ-12 и др. отеч. и имп. нас. маг., деку, усилит. и в/маг. Т.: 78-56-34, 56-27-39.

♦ Шв. маш., холод., в/маг., БК, стир. маш., газ. плиту. Т.: 45-78-30.

Редакция газеты «Ватанпарвар» срочно требуется профессиональный ФОТО-КОРРЕСПОНДЕНТ.
Справки по телефонам: 56-07-80; 56-17-98; 56-04-60.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 30 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.*

1 АҚШ доллари 237,65

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки со்தиб олиш мажбуриятини олмаган.

БИЛАСИЗМИ?

ЕШ АВЛОД МАНФААТИ ЙУЛИДА

ЮНИСЕФ деган халқаро ташкилот борасида эшитганмисиз, азиз болажонлар, тенгдошлар? Бўлмаса келинг, бу ҳақда сизларга қисқача маълумот бериб ўтайлик.

1946 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида жаҳон урушида азият кеккан болаларга ёрдам бериш тариқасида мажбур болалар жамғармаси тuzилди. ЮНИСЕФнинг раҳбар органи ижроия кенгаши ҳисобланади. Ижроия кенгаши таркибига 36 аъзо кириди. Ташкилотнинг қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган.

Маълумотларга кўра, 1980 йилдан эътиборан бир-

гина эмлаш натижасида ЮНИСЕФ 20 миллион дунё болаларининг ҳаётини сақлаб қолган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозими, 1965 йилда мажбур ташкилот Нобель мукофоти билан тақдирланган.

1994 йилнинг 1 мартида Ўзбекистонда ҳам ЮНИСЕФнинг ваколатхонаси очилди. Ваколатхона раҳбари — Руди Родругес.

Айтаганча, ўзимизда ҳам миттивойларнинг манфаати йўлида фаолият кўрсатаётган жамғармалар бор. Болалар жамғармаси, «Соглом авлод учун» жамғармаси шулар жумласида. Донёр ҲИДОЯТОВ, лицей ўқувчиси.

КУПЛЮ
♦ Шв. маш., холод., те-

5-11 ИЮНЯ

ПОНЕДЕЛЬНИК, 5. 06

7.00 Мультфильм. 7.45, 23.30 «Мечта моя». 8.40, 20.45, 23.15, 2.40 «Точка зрения».

ВТОРНИК, 6. 06

7.00 Мультфильм. 7.30, 10.30, 13.30, 16.30, 19.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт».

16.40, 4.45 Пушкинский лист «Я Вас люблю...». 17.20 Фильм «Дубровский».

СРЕДА, 7. 06

7.00 Мультфильм. 7.30, 10.30, 13.30, 16.30, 19.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт».

ЧЕТВЕРГ, 8. 06

7.00, 7.45, 22.45, 23.30 «Вознесение Господне».

13.00 Мультфильм. 13.45 «Экстрадия». 15.10, 22.00 «Миссия: Земля».

ПЯТНИЦА, 9. 06

7.00 Мультфильм. 7.30, 10.30, 13.30, 16.30, 19.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт».

СУББОТА, 10. 06

7.00 «Я песни, как ветер, напелю страну».

13.20, 4.00 Театр на экране. «Маленькие трагедии».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 11. 06

7.00, 23.25 «Это было давно, это было давно...».

5 ИЮНЯ

Всероссийский день защиты окружающей среды. 6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

21.40 Знакомьтесь: Умидбек Сафаров.

22.45 «Мухаббат хавас». 23.30, 00.15 Спорт: Король ринга.

5.00 «Доброе утро».

8.00, 11.00, 00.10 Новости. 8.15 Фильм «Если можешь, про...».

12.20 «Скандалы недели».

12.50 «Катастрофы недели». 14.00 ЦитаДЕНЬ.

18.40 «Новые приключения...». 19.30 «Сказка за сказкой».

18.10 «Мое кино». 17.20 «Огонь». 17.00 «Полночь».

9.50 Процесс. 2.15 «Домашнее кино». 2.15 «Домашнее кино».

22.30 «Стать бизнесом». 21.35 «Домашнее кино». 21.15 «Домашнее кино».

2.45 «Мухаббат-2000». 2.45 «Мухаббат-2000». 2.45 «Мухаббат-2000».

18.10 «Полночь». 17.50 «Полночь». 17.30 «Полночь».

7.50, 14.05 День за днем. 9.40, 19.15 Дорозный театр.

7.00 Профильная «ТВ дежда». 7.00 до 19.00.

6 ИЮНЯ

8.50 «Узбекфильм» представляет. 9.00 «Шарк тароналари».

7.30 «Если хочешь быть здоровым». 7.40, 18.00, 21.00, 22.30, 23.35 «Пойтахт».

Синдбада. 11.15 «Добрый день». 11.50 «Мелодия».

Иллюзия убийств. 22.25 «Иллюзия убийств». 00.05 «Триллер «Отпущение грехов»».

11 ИЮНЯ. 6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

12.10, 19.30, 21.20 «Экспресс». 12.35 «Моя прекрасная жена».

22.45 «Европейский футбол». 23.30 «Кино, кино, кино».

11.40 «Фактор успеха». 12.10 «Фильм Бенни Хилла».

1.50 «Стриптиз проект». 1.15 «Ночной полет». 00.15 «Вечернее кино».

1.00 «События». 1.00 «События». 1.00 «События».

1.00 «События». 1.00 «События». 1.00 «События».

1.00 «События». 1.00 «События». 1.00 «События».

1.00 «События». 1.00 «События». 1.00 «События».

1.00 «События». 1.00 «События». 1.00 «События».

1.00 «События». 1.00 «События». 1.00 «События».

1.00 «События». 1.00 «События». 1.00 «События».